Key words. *Oriental manuscripts, Persian manuscript book, paper, handwriting, copyist, author, content.*

М. Хамидова

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон меъморий ёдгорликларининг ўрганилиши (архив ҳужжатлари асосида)

Ўзбекистоннинг бебаҳо тарихий-маданий мероси ҳисобланган меъморий ёдгорликларни ўрганиш турли даврларда тарихчи, санъатшунос ва архитектура соҳаси мутахассис олимлари эътибори марказидаги қизиқарли мавзулардан бири бўлган. Ўзбекистоннинг ўзига хос миллий меъморчилиги хусусида нафақат маҳаллий муаллифлар тадқиқотларида, балки чет эллик олимларнинг илмий асарларида, элчи ва сайёҳларининг эсдаликларида ҳам қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирилган. Хусусан, XIX асрнинг биринчи ярмида Россия ҳукумати томонидан Ўрта Осиёга уюштирилган экспедицияларнинг асосий қисми Бухоро ва Хива хонликларини ҳар томонлама тадқиқ этишга бағишланган. Мазкур экспедицияларда тўпланган маълумотлар натижасида тайёрланган ҳисоботлар, эсдаликлар ва илмий асарларнинг деярли барчасида хонликларнинг табиий-географик ўрни, улардаги шаҳар ва қишлоқлар топографияси, алоҳида қўрғон ва қалъалар, экспедиция аъзолари йўлида учраган археологик ва архитектура ёдгорликлари тавсифи келтириб ўтилган.

Ўрта Осиё Россия империяси томонидан мустамлакага айлантирилгандан сўнг, марказий ҳукумат томонидан турли соҳа мутахассис олимлари ўлкани чуқур тадқиқ этиш мақсадида янада кенг жалб этилган. Шундан бошлаб, Туркистонда ўлкашунослик ҳаракатлари ташкилий жиҳатдан ҳам ўз ишини кучайтирган. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон моддий-маданий мероси, шу жумладан, ўлканинг қадимий шаҳарларида жойлашган бой меъморий меросни ўрганишга жиддий эътибор қаратилган. Мазкур ўлкашунослик ҳаракатларида марказий ҳокимият томонидан жалб этилган олимлар билан бир қаторда маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам иштирок этишган. Уларнинг ичида тошкентлик савдогар Акром Асқаров ва самарқандлик Мирзо Бухорий Туркистоннинг асосий маданий марказларида жойлашган тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганишда қатнашишган. Хусусан, улар ўлкани ўрганиш учун Петербургдан юборилган Н.И. Веселовскийга Туркистон моддий-маданий бойликлари тарихига оид мақолаларни тайёрлашда ва Тошкентда ташкил этилган дастлабки музей фондларини жамлашда катта ёрдам беришган. Туркистон маданий бойликлари, хусусан, Самарқанд меъморий ёдгорликларини ўрганишда катта ҳисса қўшган самарқандлик Абу Саид Махсум ўз ватани тарихи билимдони бўлиб, вақф ҳужжатлари асосида

Улуғбек обсерваторияси жойлашган ўрнини аниқлаш ва уни чуқур тадқиқ этишда фаол иштирок этган [3: 125]. Шунингдек, бунда номлари тилга олиниши зарур бўлган тарих билимдонларидан Аброр Раҳмон, Сатторхон Абдулғаффаров, Хўжа Юсуф Мирфаёзовлар ҳам илмий экспедицияларда иштирок этиб, Туркистоннинг марказий шаҳарларида жойлашган тарихий меъморий ёдгорликларни ўрганишда катта ҳисса қўшганлар [3: 126].

Дастлаб, Туркистон моддий-маданий меросини тадқиқ этиш борасида 1859 йилда ташкил этилган Императорлик Археология комиссияси томонидан бир неча бор ташкиллаштирилган илмий сафарларда, яъни П.И.Лерх (1864 й.), В.В.Радлов (1868 й.), Н.И.Веселовский (1884–1885 ва кейинги йилларда), В.А.Жуковскийлар (1890 ва 1896 йилларда) Туркистоннинг марказий шаҳарларида жойлашган баъзи бир меъморий ёдгорликларнигина тадқиқ этишга ҳаракат қилишган. XIX асрнинг 90-йилларига келиб эса, Туркистонга В.В.Бартольднинг илмий сафарлари (1893–1894 йилларда) бошланган ва ўлка тарихининг чуқур тадқиқ этилишига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, В.В.Бартольднинг С.М.Дудин билан биргаликдаги илмий сафари Ўрта ва Шарқий Осиё тарихий-маданий меросини ўрганишга бағишланган. В.В.Бартольд ва В.Л.Вяткиннинг ҳамкорликда Самарқандда амалга оширган илмий тадқиқотлари шаҳарнинг асосий меъморий ёдгорликларини ўрганилишида муҳим аҳамиятга эгадир [2: 786–799].

Туркистон ўлкаси археологик ва меъморий ёдгорликларини ўрганишда Туркистон археолог ҳаваскорлари тўгараги аъзолари томонидан амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга моликдир. 1895 йил 11 декабрда ташкил этилган ушбу тўгарак ўз фаолияти давомида асосан Туркистон археологик ёдгорликларини ўрганишга катта эътибор қаратган. Аммо Туркистон археолог ҳаваскорлари тўгараги (ТАҲТ – ТКЛА) низомида келтирилганидек, Туркистон ўлкаси ҳудудида жойлашган барча қадимий ёдгорликларни, жумладан, тарихий обидаларни ўрганиш ва улар тўғрисидаги материалларни илмий таҳлил этган ҳолда нашр эттириш масаласига алоҳида эътибор берилган. Улар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда, хусусан, тарихий-меъморий ёдгорликларда олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида топилган моддий манбалар Императорликнинг Археология Комиссиясига топширилиши зарур бўлган [5: 13]. Туркистон археолог ҳаваскорлари тўгараги фаолияти давомида (1895–1917 йй.) доимий ўтказиб борилган мажлислар баённомалари нашр эттирилишига эътибор қаратилган. Улар ҳозирда ЎзРМДАнинг Туркистон археолог ҳаваскорлари тўгараги фондида сақланмоқда [6: 1–27]. Мазкур тўгарак илмий тадқиқотларида Туркистон ўлкасидаги кўпгина археологик ва архитектура ёдгорликларининг жойлашган ўрни, сақланганлик ҳолати, ўлчовлари, чизмалари, фото тасвирлари тўғрисидаги маълумотлар аниқланган. Шунингдек, бунда тадқиқ этилган археологик ва архитектура ёдгорликларига

оид тарихий маълумотномалар ҳамда улар тўғрисидаги афсоналар ҳам келтириб ўтилган.

1918 йилда машҳур шарқшунос олим В.Л.Вяткин бошчилигида Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг қулаётган минорасини сақлаб қолиш мақсадида иш бошлаган комиссия фаолиятини Туркистон археолог ҳаваскорлари тўгараги ишининг давоми дейиш мумкин. Туркистонда меъморий ёдгорликлар муҳофазачиси, дея ном олган В.Л.Вяткин бошчилигидаги ушбу комиссия аъзолари маҳаллий усталар ва машҳур инженер-архитекторлар Б.Н. Кастальский ва М.Ф. Мауэр билан ҳамкорликда иш олиб борган [8: 65].

1919 йил 6 сентябрда Туркистон Республикаси Халқ Маорифи комиссарлиги ҳузурида С.Абдусатторов бошчилигида Туркистон қадимий ёдгорликларни ўрганиш бўйича янги комиссия тузилган. Лекин ушбу комиссия иши фақат тарихий-маданий бойликлар тўғрисида маълумотларни тўплашдан иборат бўлиб қолган [17: 1]. Октябрь тўнтаришидан кейинги икки йил давомида бу каби комиссияларнинг бир қанчаси фаолият юритганига қарамай, ушбу йилларда тарихий-меъморий меросни ўрганиш ва уларни муҳофаза қилиш борасида айтарли чора-тадбирлар амалга оширилмаган.

XX асрнинг 20-йилларига келиб эса, Туркистоннинг қадимий шаҳарлари ва меъморий обидаларни ўрганиш масаласи яна жонлана бошлаган. Яъни бу борада кейинчалик ижобий натижаларга эришган бир қанча давлат муассасалари ташкил этилган. Хусусан, Туркистон Республикаси Марказий ижроия қўмитаси қарорига асосан ташкил этилган Туркистон Республикаси Марказий архив бошқармаси (Цуардел, 1920 йил 30 январь), Туркистон қадимият, санъат, табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва музей иши бўйича қўмита (Туркомстарис, 1921 йил 21 май), Ўрта Осиё қадимият, санъат, табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва музей ишлари бўйича қўмита (Средазкомстарис, 1924 йил 26 декабрь) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Архив ҳужжатларига кўра, Туркистон Республикаси МИК томонидан 1920 йил 30 январда қабул қилинган Декретга асосан, Туркистон Республикасининг барча тарихий ёдгорликларини ўрганиш ва муҳофаза қилиш Марказий архив бошқармаси комиссиясига юклатилган. Ушбу бошқарма комиссияси Низомига кўра қуйидаги вазифаларни бажарган:

– тарихий ёдгорликларни зудлик билан рўйхатга олиш;

– уларни муҳофаза қилиш;

– тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва тиклаш;

– Туркистон тарихий ёдгорликларига тегишли барча материалларни тўплаш ҳамда уларни илмий таҳлил этиш ва бошқалар [7: 4].

ЎзРМДА ҳужжатларида келтирилишича, Туркистон Республикаси Марказий архив бошқармасининг 1920 йил 13 майда бўлиб ўтган мажлисида

бошқарма бўлимларининг Самарқанд шаҳри меъморий ёдгорликларини ўрганиш ва уларни тиклаш масаласига бағишланган маърузалари тингланган бўлиб, бу борада муҳим қарорлар қабул қилинган [1: 52].

Бошқарманинг археология бўлими бошлиғи В.Л.Вяткиннинг маърузаси археология бўлим томонидан 1920 йил январь-сентябрь ойлари давомида амалга оширилган ишлар натижасига бағишланган. Унда ҳисобот даврида археология бўлими томонидан Самарқанд шаҳри марказида жойлашган Регистон майдонидаги Мирзо Улуғбек мадрасаси, Гўри Амир мақбараси, Бибихоним жоме масжиди ва қадимий шаҳарча Афросиёбда археологик қазишма ишлари олиб борилгани ҳақида маълумот берилган. Маърузачининг маълумотларига кўра, мазкур археологик қазишмалар натижасида меъморий ёдгорликларнинг тупроқ остида қолган қисмлари очиб ўрганилган ва у ердан топилган моддий манбалар илмий таҳлилга тортилган. Ушбу тадқиқот ишлари натижасида ўша даврда аянчли аҳволда қолган меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва вайронага айланган қисмларини тиклаш ишлари бошланган [8: 70].

Бошқарманинг техник-қурилиш бўлими томонидан амалга оширилган ишлар хусусида архитектор М.Ф.Мауэр томонидан қилинган маърузада қуйидагилар келтириб ўтилган. М.Ф.Мауэр мазкур бўлимга Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасасининг қулаётган шимолий-шарқий минорасини тиклаш имкониятларини аниқлаштириш мақсадида таклиф этилган. Унинг маърузасида бўлим аъзолари ўртасида баҳс-мунозарага сабаб бўлган саволга жавоб топиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Яъни ўтган йиллар таъсири натижасида ўз ўрнидан сурилиб қолган мазкур миноранинг дастлабки жойлашган ўрнини аниқлаш энг муҳим масала эканлиги таъкидлаб ўтилган. Бундан ташқари, мазкур маърузада Шердор мадрасаси пойдевори ва емирилиб бораётган гумбазини таъмирлаш ишларини зудлик билан бошлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган. Йиғилиш якунида кўтарилган ушбу масалаларни ҳал этиш борасида қарорлар қабул қилинган [8: 72].

Бошқарманинг бадиий бўлими бошлиғи И.С.Казаковнинг маърузасида ҳисобот даври (1920 йилнинг январь-сентябрь ойлари) давомида мазкур бўлим томонидан амалга оширилган ишлар дастлаб ноқулай шарт-шароит сабаб ижобий натижа кўрсатмаганлиги айтиб ўтилган. Яъни белгиланган тарихий-меъморий ёдгорликларда таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун моддий таъминот ҳамда махсус билим ва тажрибага эга мутахассисларнинг етишмаганлиги сабаб бўлим томонидан режалаштирилган ишларни тўлиқ бажаришнинг иложи бўлмаган. Архив ҳужжатларида ушбу бўлим ходимлари белгиланган давр мобайнида меъморий ёдгорликларнинг ички безакларини тозалаш, уларни ўрганиш ва баъзи қисмларинигина тиклашга эришгани таъкидлаб ўтилади. Мазкур маърузада И.С. Казаков томонидан эътиборга молик таклифлар ҳам билдирилган. Мисол учун, қишки мавсум давомида

бўлим ходимлари томонидан ўрганилаётган меъморий ёдгорликлар, хусусан, Мирзо Улуғбек мадрасаси ва унинг қулаётган минораси чизмаларини кичрайтирган нусхаларини яратиш ҳамда улардан альбом тайёрлаш мумкинлиги айтиб ўтилган [8: 64–65].

1921 йил 21 майда Туркистон Республикаси Халқ Маорифи комиссарлиги қарорига асосан, Туркистоннинг қадимият, санъат ва табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва музей ишлари бўйича қўмита (Туркомстарис) ташкил этилган ва бу борадаги ишларни бошқариш ушбу қўмитага ваколати доирасига киритилган. Яъни Туркомстарис:

– Ўрта Осиё ҳудудидаги барча (марказий шаҳарлар ва маҳаллий ҳудудлардаги ижтимоий, табиий, тарихий, санъат ва саноат) музейларни бошқариш;

– барча тарихий-маданий ва табиат ёдгорликларини рўйхатга олиш;

– тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганиш ва тиклаш, табиат ёдгорликларни муҳофаза қилиш;

– Туркомстарис вазифаларига боғлиқ турли материалларни тўплаш ва уларни илмий таҳлил этиш [20: 1–2].

Туркомстарис раиси ва унинг ўринбосари Туркистон Халқ комиссарлари совети қарорига асосан тайинланган. Қўмита аъзолари тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганиш билан шуғулланувчи махсус давлат муассасалари, шу жумладан, Ўрта Осиё республикалари илмий Кенгаши, Цуардел, Туркистон шарқшунослик институти, Туркистон давлат университети, РСФСР моддий маданият институти, Қадимият, санъат ва табиат ёдгорликларни муҳофаза қилиш ҳамда музей ишлари бўйича марказий қўмита мутахассис ходимлари орасидан сайлаб олинган [8: 5].

Туркомстарис 4 та секция, яъни:

– музей иши;

– қадимият ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва тиклаш;

– археология;

– табиат ёдгорликларини асраш бўлимларига бўлинган.

Туркистоннинг бир қатор қадимий шаҳарларида тарихий меъморий ва санъат ёдгорликларнинг кўплигини эътиборга олган ҳолда, қўмитанинг жойларда тарихий-маданий ёдгорликларни асраш бўйича комиссиялари – Самкомстарис, Бухкомстарис, Хивкомстарис ва бошқалар ташкил этилган.

Қўмитанинг доимий тарзда ўтказиладиган йиғилишларида энг долзарб масалалар муҳокама қилинган. Ушбу йиғилишларда Туркомстарис томонидан режалаштирилган ишларнинг амалга оширилишида муҳим ўрин тутган доимий аъзолари-илмий экспертлар: Д.И.Нечкин, Э.А.Шмидт, В.Л.Вяткин, И.С.Казаков, Б.Н.Кастальский, К.К.Бертгер, маҳаллий олимлардан М.Саиджонов, А.Болтаев ва бошқалар доимий равишда иштирок этишган. Шу

билан биргаликда, тарихий-меъморий ёдгорликларни чуқур тадқиқ этиш ва тиклаш масаласини ҳал этиш учун бир қатор мутахассис олимлар, хусусан, Самарқанднинг асосий тарихий-меъморий мажмуаларини тадқиқ этиш мақсадида В.В.Бартольд ва М.Е.Массон, Улуғбек мадрасасининг қулаётган минорасини тиклаш учун архитектор М.Ф.Мауэр таклиф этилган эди [8: 6].

1924 йил 26 декабрда Ўрта Осиё ҳудудида Миллий-ҳудудий чегараланишнинг ўтказилиши муносабати билан Туркомстарис тугатилиб, унинг ўрнида Ўрта Осиё қадимият, санъат ва табиат ёдгорликларини асраш ҳамда музей ишлари бўйича қўмита – Средазкомстарис ташкил этилади. Ушбу қўмита ҳам 1929 йил охиригача ўз ваколатлари доирасида Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон меъморий ёдгорликларини муҳофаза қилиш, ўрганиш ва тиклаш ишларини амалга оширган [8: 1–5].

Эътиборли томони шундаки, мазкур қўмиталар томонидан амалга оширилган тадқиқот ишлари натижалари, илмий ходимлар ҳисоботлари даврий нашрларда, хусусан, 1925 йилдан “Известия Средазкомстариса” номли махсус матбуот нашрларида чоп эттирилган. Шунингдек, келтириб ўтилган давлат муассасалари фаолиятига оид қимматли ҳужжатларнинг катта қисми сақланиб қолган [20: 4].

Ҳозирги кунда XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон меъморий ёдгорликларини ўрганилиш тарихига оид архив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг Туркистон археолог ҳаваскорлари тўғараги, Средазкомстарис ва бир қатор шахсий фондлар, хусусан, В.Л.Вяткин, М.Е.Массон, Е.К.Бертгер, Б.Н.Засыпкин ва бошқаларнинг шахсий фондларида сақланмоқда . Ушбу қиммматли тарихий манбалар ўзбек халқи томонидан яратилган миллий меъморий ёдгорликлар тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Туркомстарис ва Средазкомстарис фаолияти асосида Туркистон меъморий ёдгорликларини ўрганиш ва асраш борасида яратилган архив ҳужжатлар қуйидагилардан ташкил топган:

– Ўрта Осиё тарихий-маданий меросини ўрганиш, асраш ва тиклаш борасидаги марказий бошқарма қарорлари ва циркулярлари [12: 70–71];

– қўмита секциялари ва ҳудудий комиссияларининг тарихий-меъморий ва санъат ёдгорликларни ўрганиш ҳамда тиклаш борасидаги фаолиятига оид ҳужжатлар [10: 28, 42; 13: 60, 93, 183];

– қўмита йиғилишлари баённомалари [11: 36, 44];

– Туркистоннинг тарихий шаҳарларида жойлашган асосий меъморий ёдгорликлар тўғрисида тарихий маълумотномалар ва уларни тиклаш борасидаги лойиҳалар [8: 3; 9: 5, 25];

– қўмита ва унинг ҳудудий комиссиялари илмий ходимлари ҳисоботлари ва илмий ишлари [14: 132, 310];

– тарихий-меъморий ёдгорликларни ўрганиш ва тиклаш учун ажратилган сарф-харажатлар сметалари [15: 92, 199];

– Туркистон Республикаси меъморий ёдгорликларини ўрганиш мақсадида ташкил этилган илмий экспедициялар фаолиятига оид архив ҳужжатлари [16: 67, 214];

– Туркистоннинг бир қатор тарихий шаҳарларида жойлашган асосий меъморий ёдгорликлар фотосуратлари жамланган дастлабки альбомлар [18: 285];

– Туркистоннинг тарихий-меъморий ёдгорликларини ўрганган тарихчи ва шарқшунос олимларнинг нашр этилмай қолган илмий мақолалари, қўмита илмий ходимларининг ҳисоботлари ва бошқалар [19: 193, 282, 345].

Ушбу ҳужжатларда келтирилишича, 1921–1929 йиллар давомида Туркомстарис ва Средазкомстарис томонидан кўплаб тарихий-меъморий ёдгорликлар давлат ҳисобига олиниб, рўйхатдан ўтказилган. Ўша даврда мазкур меъморий ёдгорликларнинг кўпчилиги аянчли аҳволда қолган бўлиб, уларни чуқур тадқиқ этиш ва тиклаш масаласи қўмита томонидан илгари сурилган долзарб масалалардан бири бўлган.

Қўмита қарорига кўра, Самарқанд вилоятидаги:

– Регистон майдонида жойлашган Шердор, Улуғбек, Тиллакори мадрасалари [4: 3–30];
– Амир Темур (Гўр Амир) мақбараси;
– Бибихоним жоме масжиди;
– Амир Темур қароргоҳи бўлган Оқсарой;
– Шоҳи Зинда меъморий мажмуаси;
– Хожа Аҳрор масжиди;
– Ишратхона масжиди;
– Намозгоҳ масжиди;
– Улуғбек расадхонаси қолдиқлари;
– Шайбонийлар хилхонаси – Чилдухтарон мақбараси;
– Дониёр пайғамбар қабри;
– Афросиёб қадимий шаҳарчаси;
– Чўпон ота мозори ва бошқалар [8: 22a–22b].

Сирдарё вилоятининг Тошкент шаҳридаги:

– Кўкалдош мадрасаси;
– Хожа Аҳрор масжиди ва мадрасаси;
– Бароқхон мадраси;
– Қаффол Шоший мақбараси;
– Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбараси ва масжиди;
– Перовский уездида жойлашган Кўк-касана мақбараси;
– Сиғноқ қадимий шаҳарчаси вайроналари;

– Ашнас шаҳарчаси қолдиқлари;
– Авлиёота уездидаги Тош минора;
– Ойшабиби меъморий ёдгорлиги;
– Манас мозори;
– Оқтепа қадимий шаҳарчаси қолдиқлари;
– Чимкент уезди Сайрам қишлоғида жойлашган Тош минора;
– Янгикентдаги Шаҳрикент шаҳарчаси вайроналари ва бошқалар.

Фарғона вилоятидаги:
– Қўқон хонлари саройи ва ўрдаси;
– Ўзганд шаҳри ҳаммом ва мозорлари;
– Косонсой воҳасидаги Шайх Фозил мозори ва бошқалар.

Еттисув вилоятидаги:
– Бўрон минораси ва Оқпешин шаҳарчаси;
– Олмалиқ шаҳарчаси қолдиқлари;
– Норин-Қашғар йўлидаги Тошработ дарасида жойлашган тош қаср;

Туркман вилоятидаги:
– Кўҳна Марв шаҳарчаси;
– Бовардий шаҳарчаси вайроналари;
– Шайх Абусаид ҳамда Анов масжидлари ва бошқа кўплаб тарихий-меъморий ёдгорликлар рўйхатга олинган.

Қўмита илмий экспертлари томонидан Туркистоннинг ушбу тарихий ёдгорликларни чуқур илмий-тадқиқ этиш, уларни таъмирлаш ва тиклаш борасида бир қанча лойиҳалар ишлаб чиқилган [8: 24–26].

Туркомстарис қарорига асосан, рўйхатга олинган ва ёмон аҳволда бўлган тарихий-меъморий ёдгорликлар яқинидан юк машиналари ҳаракатини тўхтатилиши масаласи илгари сурилган. Хусусан, қўмита аъзолари ташаббуси билан маҳаллий халқ орасида меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш бўйича кенг тарғибот ишлари амалга оширилган. Хусусан, бу каби ишлар Самарқандда кенг йўлга қўйилган бўлиб, Регистон майдони атрофидан автомашиналарда ҳаракатланиш таъқиқлангани тўғрисида рус ва маҳаллий аҳоли тилида ёзилган плакатлар осиб қўйилган. Туркомстарис ва унинг ҳудудий комиссиялари томонидан амалга оширилган тадқиқот ишлари натижасида XX аср бошларида баъзи меъморий ёдгорликларда амалга оширилган таъмирлаш ишларида йўл қўйилган хатоликлар аниқланган. Кейинчалик ушбу хатоликларни имкон қадар тузатишга эришилган [8: 27–28].

1921 йилдаёқ қўмитанинг худудий комиссияларидан бири – Самкомстарис томонидан Самарқанднинг асосий меъморий мажмуаларини ўрганиш, таъмирлаш ва тиклаш бўйича бир қанча сметалар таклиф этилган ва бу борада ижобий натижаларга эришилган. Хусусан, Самкомстарис томонидан 1921 йилда Самарқанднинг барча меъморий обидаларни капитал

таъмирлаш ва тиклаш бўйича режалаштирилган ишлар учун 490 000 000 рубльлик сарф-харажатлар сметаси тузилган ва марказий ҳукуматга тақдим этилган [8: 92–96]. Натижада, 1921 йилда қўмита томонидан Самарқанд шаҳри меъморий обидаларини таъмирлаш бўйича дастур ишлаб чиқилган ҳамда режалаштирилган ишларни амалга ошириш учун 191 756 000 рубль ажратилишига эришилган [8: 210–221].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, XIX аср охири – XX аср бошларида фаолият юритган Туркистон ҳаваскор археологлари тўгараги, кейинчалик XX асрнинг 20-йилларида ташкил этилган Туркистон Цуардел, Туркомстарис, Средазкомстарис томонидан Туркистон меъморий ёдгорликларини ўрганиш ва тиклаш борасида бир қатор эътиборга молик ишлар амалга оширилган. Хусусан, мазкур муассасалар фаолияти натижасида:

– Туркистон ҳудудида жойлашган кўплаб меъморий ёдгорликлар давлат ҳисобига олиниб, рўйхатдан ўтказилган;

– марказий шаҳарларда жойлашган меъморий ёдгорликларда чуқур илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган;

– ушбу илмий тадқиқотлар натижасида тарихий-меъморий ёдгорликлар тўғрисида маълумотномалар тузилган;

– уларнинг сақланганлик ҳолати аниқланган;

– аниқланган ҳолат юзасидан зудлик билан бажарилиши зарур бўлган ишлар режаси тузилган;

– аянчли аҳволда қолган миллий меъморчилик намуналарини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари кўрилган;

– уларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича тузилган лойиҳалар асосида сарф-харажатлар сметалари тузилган ҳамда уларни амалга ошириш учун моддий маблағларни ажратилишига эришилган;

– юқорида санаб ўтилган муассасаларнинг барчаси томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари натижалари имкон қадар даврий ва махсус матбуот нашрларида эълон қилинишига эришилган.

XIX аср охири – XX аср бошларида мустамлака шароитида ва совет ҳокимиятининг дастлабки ҳукмронлик йилларида Туркистон моддий-маданий меросини ўрганиш ҳамда уларни асраш борасида қилинган ишлар холис ватанпарварлик руҳида амалга оширилган, деб бўлмайди. Чунки, марказий ҳукумат томонидан бу борада амалга оширилган ҳаракатлар натижасида тўпланган моддий-маънавий бойликларнинг ҳаммаси ҳам Туркистон халқи учун сақлаб қолинмади, аксинча, уларнинг асосий қисми Москва ва Петербургдаги музей ва илмий кутубхоналарга олиб кетилган. Натижада, Туркистон халқлари мазкур тарихий-маданий бойликлардан маҳрум этилган.

Шунга қарамай, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон меъморий ёдгорликларининг ўрганилиши натижасида қадимий шаҳарларда жойлашган бебаҳо меъморий меросни асраб қолиш учун қатор чора-тадбирлар амалга оширилган. Юқорида номлари келтириб ўтилган муассасалар томонидан бошланган ишлар кейинчалик, Узкомстарис томонидан давом эттирилиб, давлат муассасалари ва илмий тадқиқот институтларида фаолият юритган тадқиқотчи олимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Республикамиз ҳудудида жойлашган кўплаб меъморий ёдгорликларнинг келажак авлодга етказиб берилишига имкон яратилган. Ҳозирда улар нафақат ўзбек халқи миллий ғурури, балки бутунжаҳон маданий меросининг ажралмас қисми сифатида қадрланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Горшенина М.С. Туркомстарис-Средазкомстарис-Узкомстарис: формирование институций и этноцентрический раздел культурного наследия Средней Азии // ЭО. 2013/ №1/ С.52–68.
2. Императорская Археологическая Комиссия (1859–1917): К 150-летию со дня основания. У истоков отечественной археологии и охраны культурного наследия. Санкт-Петербург, 2009.
3. Лунин Б.В. Свет прошлого // Звезда Востока. 1990, № 6. С. 125–134.
4. Массон М.Е. Регистан и его медресе. 2-е изд. Самарканд, 1930.
5. Открытие Туркестанского кружка любителей археологии. 11 декабря 1895. Ташкент: Типо-Литография бр. Порцевых. 1895.
6. ЎзРМДА Ф.И-71. р. 1, й.ж.1–27.
7. ЎзР МДА Ф.Р-1, р.1, й.ж. 122.
8. ЎзРМДА Ф.Р-3, р.1, й.ж. 3.
9. ЎзРМДА Ф.Р-394, р. 1, й.ж. 5, 25.
10. ЎзРМДА Ф.Р-3, р.1, й.ж. 28, 42.
11. ЎзРМДА Ф.Р-394, р. 1, й.ж. 36, 44.
12. ЎзРМДА Ф.Р-394, р. 1, й.ж.70–71.
13. ЎзРМДА Ф.Р-394, р. 1, й.ж. 60, 93, 183.
14. ЎзРМДА Ф.Р-394, р. 1, й.ж. 132, 310.
15. ЎзРМДА Ф.Р-394, р. 1, й.ж. 92, 199.
16. ЎзРМДА Ф.Р-394, р. 1, й.ж. 67, 214.
17. ЎзРМДА Ф.Р-3, р.1, й.ж. 204.
18. ЎзРМДА Ф.Р-394, р. 1, й.ж. 285.
19. ЎзРМДА Ф.Р-394, р. 1, й.ж.193, 282, 345.
20. ЎзРМДА Ф.Р-394, р. 1, й.ж.407.

М. Хамидова

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон меъморий ёдгорликларининг ўрганилиши (архив ҳужжатлари асосида)

Мазкур мақола ЎзРМДАнинг XIX аср охири – XX аср бошларига оид архив ҳужжатлари асосида Туркистон меъморий ёдгорликларининг ўрганилиши масаласига бағишланган.

Калит сўзлар: *меъморий ёдгорликлар, маданий мерос, архив ҳужжатлари, Туркомстарис, Средазкомстарис Туркистон, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви.*

М. Хамидова

Изучение архитектурных памятников Туркестана в конце XIX – начале XX вв. (на основе архивных документов)

Данная статья посвящена изучению архитектурных памятников Туркестана на основе архивных документов ЦГАРУз конца XIX – начала XX вв.

Ключевые слова: *архитектурные памятники, культурное наследие, архивные документы, Туркомстарис, Средазкомстарис,Туркестан, Центральный Государственный Архив Республики Узбекистан.*

M. Khamidova

Study of architectural monuments of Turkestan at the end of XIX - early XX centuries (on the bases of archival documents)

Given article is dedicated to the illumination of the history of architectural monuments of Turkestan in archival documents of the Central State archive of Uzbekistan at the end of XIX - early XX centuries.

Key words: *architectural monuments, cultural heritage, archival documents, Turcomstaris, Sredazcomstaris, Turkestan, Central State Archive of Uzbekistan.*